O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 11 май, № 89 (3888) Пайшанба

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 май куни Хотира майдонида журналистлар билан суҳбатда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ҳурмат бажо келтириб, бугунги тинч-осойишта турмушимизни қадрлаш зарурлигини уқтирди. Инсоният тарихида урушлар ҳеч кимга, ҳатто уруш оловини ёққанларга ҳам ёруғлик келтирмаганлигини таъкидлади.

Мухбирларимиз ана шу суҳбатдан келиб чиқиб, бир қанча юртдошларимизга **«Ҳаётимизнинг тинчлиги, осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги учун нима қилишимиз керак?»** *деган савол билан мурожаат қилишди.*

МУСАФФО ОСМОН — СОФ КЎНГИЛЛАР МУДДАОСИ

Тузалбой РАҲИМБОЕВ, «Хоразм тадбиркори» газетаси муҳаррири:

— Халқимиз табиатан бунёдкор. Жангарилик, босқинчилик миллатимиз феълига ёт. Нафақат инсоннинг, мусичанинг уйи бузилиши ҳам ўзбекнинг дилини ғаш қилади. Мустақил юрт фуқароларининг нималарга қодир эканлигини кейинги йилларда қад ростлаётган замонавий иншоотлар яққол ифодалаб турибди. Ана шу бунёдкорлик кенг кўлам касб этавериши эса тинчликни мустаҳкамлайди, хавф-хатарни чиппакка чиқаради.

Ваҳобиддин УМИРОВ, фермер, Пайариқ тумани:

— Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади, деган гап бор. Биз тинчликни кўз қорчиғидай асрайдиган миллатмиз. Урушнинг номи ўчсин.

Юртбошимиз ҳар сафар тинчликнинг қадрига етиш керак, деб уқтирадилар. Ҳақ гап. Буни мен Ўзбекистоннинг эртаси порлоқ бўлсин, фарзандларимиз ҳам обод Ватанда яшасин, деб тушунаман. Тинчлик бор экан, ҳаммаси яхши бўлади. Юртимиз олға кетаверади.

Эсимда, Президентимиз бошқа давлатларни ҳам терроризм, гиёҳвандлик балоси дунё осойишталигига раҳна солиши ҳақида неча марталаб огоҳ этгандилар. Бунга баъзилар етарли эътибор бермаган эди. Мана, энди уларнинг пайтавасига қурт тушиб, югуриб қолишди.

Бир гап, ҳаммамиз шу юртнинг фарзандимиз. Келажагимиз ҳақида эрта-ю кеч қайғураётган Юртбошимиз атрофида янада жипслашсак, осмонимиз доим мусаффо бўлади. Ўзимиз ҳам кам бўлмаймиз.

Муроджон СОЛИҲОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси:

— Бугунги таҳликали замонда Ўзбекистон осойишталикни сақлаш ва тараққиёт йўлидан оғишмай одимлаяпти. Бунинг учун ҳукуматимиз дунёда, минтақамизда ҳар қандай муаммони музокаралар орқали ҳал этиш сиёсатини олиб бормоқда. Мамлакатимизнинг дунёда, қитъамиздаги энг йирик, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашига аъзо давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва дўстона алоқалар ўрнатгани алоҳида аҳамиятли, деб ўйлайман.

Ушбу саъй-ҳаракатлар, авваламбор, юртимизнинг халқаро майдондаги обрўси янада ошишига, мамлакатимизда, қолаверса, бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқимиз турмушининг янада фаровон бўлишига хизмат қилади.



Баҳодир РАҲИМОВ, сержант, Шаҳрисабз шаҳри:

— Тинч ҳаёт, осуда турмушни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз? Аммо биргина истак билан осойишта ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни бугун кўпчилик, айниқса, ҳарбий хизматчи бўлишни ҳавас қилган ва ўз тақдирини шу соҳа билан боғлаган мен каби тенгдошларим теранроқ англасалар керак. Онгу-шуурримизни юрт тинчлиги, ватандошларимиз хотиржамлиги, эҳтиёжмандлиги кўра шарт ва лозим бўлган ватанпарварлик туйғулари эгаллаган.

Баъзан юрт тақдирига бефарқ, ўз манфаати йўлида бировни ҳам аямайдиган инсонларнинг лоқайд, ҳиссизлиги кишини ўйлантириб қўяди. Бугун улар битта бўлса, эртага иккита, индинига учта бўлмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Шундай экан, аввало, лоқайдликка қарши курашмоқ керак. Бунинг учун юрт ёшлари фаол, шижоатли, ҳар қандай оғир ҳолатни моҳирлик билан енгиб ўта оладиган бўлишлари керак.

Озода ЯХШИБОЕВА, Ўзбекистон Миллий университети талабаси:

— Тан олиш керак, бугунги ёшларда эркин фикр, муайян тушунча ва тасаввур тўла шаклланган. Буни ўзим, қолаверса, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган тенгдошларим мисолида айтишим мумкин. Албатта, биз турли соҳа вакиллари бўлиб етишамиз. Бироқ, мақсадимиз ягона — шу юрт ривожига муносиб улуш қўшиш.

Президентимиз бизга эзгу истакларини изҳор этар экан, миллатимиз тарихини чуқур ўрганиш ва шавкатли аждодларимиз билан фахрланиш туйғусини янада шакллантириш лозимлигини таъкидладилар. Демак, ҳаётимизнинг тинчлиги, осойишталиги ўтмишга айланган кечаги кунимизда йўл қўйган хатоларимизни такрорламаслик билан бевосита боғлиқ.

Сотволдихон ХЎЖАЕВ, Косонсой туманидаги 31-мактаб директори:

— Кўпинча телевидение орқали бирор бир хорижликнинг юртимиз ҳақида берган интервьюсини кузатганимда, бир нарсага гувоҳ бўламан: ўша суҳбатдош сўзининг давомида, албатта, Самарқанд ё Бухоро, Амир Темур ёки Ибн Сино ҳақида тўхталиб ўтади. Буюк тарихни яратган аждодларимиз ҳаётидан яхши хабардор эканлигини, уларни жаҳон аҳли ҳали-ҳануз алоҳида эътироф этишини таъкидлайди. Мана шундай самимий фикрларни эшитганимизда ҳаммамиз ҳам ғурурланамиз, фахрланамиз. Бироқ, фақат шундай ифтихор билан яшашнинг ўзи кифоя қиладими? Йўқ, албатта. Таъкидланганидек, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиш учун шу юртда истиқомат қилаётган ҳар бир киши, айниқса, ёшларимиз "Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдираяпман?" деган тушунча ва интилишни онгларига жойлаб олиб, шу орзу истак билан ҳаёт кечиришлари шарт. Бу йўлда биз мураббийларга ҳам жуда катта масъулият юкланади. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва бундан кейин ҳам кам бўлмаймиз, деган пурмаъно даъватнинг мазмун-моҳиятини улар онгига янада чуқурроқ сингдиришимиз шарт.

Шамсиддин ҚЎЗИБЕКОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони:

— Ҳаётда жуда кўп машақатларни бошимдан ўтказдим. Навқирон йилларим уруш пайтига тўғри келди. Ана ўшанда билдимки, бу — номинг ўчсин уруш уни бошлаганларга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч қачон яхшилик келтирмас экан. Чунки ушбу офатнинг жабрини қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар тортди. Жанггоҳларда юрган кезларимизда Яратгандан ёруғ кунларга етказишини илтижо қилиб сўрардик. Беадад шукр бўлсинки, мана, ўша кунлар бизга насиб этди. Бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо.

Ниятим, шундай қутлуғ кунларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Ёшларимиз бунинг қадрига етишсин. Муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлашсин. Кимларнинг авлоди эканликларини унутиб қўйишмасин. Биз, қариялар эса қўлимизни дуога очиб, ана шу истакларнинг ижобат бўлишини Яратгандан сўрайлик.

«Халқ сўзи» мухбирлари Салим ДОНИЁРОВ, Зиёда АШУРОВА, Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олишди.

Маърифат соати

Ҳар йилнинг алоҳида ном билан аталишининг ўзи халқимизнинг сиёсий онгини ривожлантиришга хизмат қилиши сўзсиз. Чунки ҳар бир соҳа ўз фаолиятига алоҳида дастурлар асосида иш олиб бориш натижасида мамлакатимиз ички сиёсатининг тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб борадилар.

Ҳомийликнинг асоси сахийликда

Президентимиз томонидан жорий йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аталиши нафақат тиббиёт соҳасига, балки бошқа соҳаларга янгича вазифалар қўяди. Негаки, ҳомийлик инсоний фазилат саналмиш сахийлик асосида юзага келадиган инсонпарварликдир.

Сахийлик — бу инсонга бериладиган энг шарафли унвондир. Чунки сахийлик инсондаги энг олий ва улуғвор фазилатлардан бири. Бу фазилатга эга бўлган кишигина ўз кучи ва салоҳияти асосида узоқни кўзлаган ҳолда ҳаракат қила олади. Сахийлик шу билан бирга, мақтовга лойиқ феъл-атвор ҳамдир. Ҳар бир шахс инсонпарварлик ғоялари билан тўлиб-тошган ҳолда ўз имконияти доирасида ҳиммат қилиб, яхши ном ва яхши из қолдиришга уриниши лозим. Адабиётларда ҳам сахийлик улуғланиб, хасислик қораланади. Мард кишилар қанчалик моддий ва маънавий бойлик орттирган сари халқ уларга тилакдош бўлаверади, чунки улар ўз манфаатини жамият манфаати билан баравар кўзлаган ҳолда фаолият юритади.

Эзгулик билан кўп нарсага эришиш мумкин. Сахий кишилар жамият ва давлат ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадирлар. Улар асосан ижтимоий таъминоти жиҳатидан яхши бўлмаган оилаларга, имкониятидан айрилган ва ёрдамга муҳтож кишиларга мадад ва ҳомий сифатида таянч бўлишга қодир инсонлардир. Шу билан бирга, қобилиятли ёшларни ҳам қўллаб-қувватлаш, уларни етарлича имкониятлар билан таъминлаш зарурияти мавжуд бўлган ҳозирги пайтда бу фазилат соҳибларининг ғамхўрликлари айрича аҳамият касб этиб, адолатга таянган фуқаролик жамиятини шакллантиришда барчамизга намуна бўлмоқда.

Ҳадисларда ҳам «Сахийлик бамисоли жаннатнинг дарахтларидан биридир. Унинг шохлари дунёга осилиб туради, кимки шохлардан бирини тутиб олса, у жаннатга бошлаб боради» дейилган.

Бу хислат маънавий бой инсонларга хос фазилат десак муболаға бўлмайди. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз ҳукмронлигини ўрнатган давлатларда талон-торожликларга йўл қўймай, бу ерлардаги маданият, санъат ва фан намоёндалари, буюк олимларни қўллаб-қувватлаб уларни рағбатлантирганлар.

Улуғланаётган фазилат тўғрисида Фаридиддин Атторнинг қуйидаги байти худди ҳар биримизга қаратиб айтилгандай:

Бўл сахий сен, эй биродар, бўл сахий,
Бўлмагай ҳар хил бало банда даги!
Доимо мардлик била мардона бўл,
Ким сахийдир, қўллар уни барча қўл!

Инсонни энг олий неъмат деб билувчи жамиятимизнинг хайр-саховатли кишилари миллий мафкурамизнинг Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги сингари ғояларини ҳаётга татбиқ қилувчи ва биз танлаган йўлнинг равон бўлишини таъминловчи давримизнинг улуғ шахсларидир.

Мурод ЁҚУБОВ. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

танловига марҳамат!

Азиз журналистлар! Матбуотда ўз дил сўзлари билан фаол қатнашаётган жонкуяр ҳамкасблар, тарихга айланган 2005 йил Сизларга қандай ижодий ютуқлар олиб келди? Ватанимизнинг мустақиллик йўлида собит қадамлар билан олға боришига муносиб ҳисса қўшаётган кишиларимиз тафаккурида юз бераётган уйғониш, тикланиш ва янгиланиш жараёнларини юксак бадиий савияда маҳорат билан таъсирчан усулларда ифодалаган қандай мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилдингиз?

Газета, журнал, радио, телевидение журналистлари, марҳамат, 2005 йил мобайнидаги энг сара ижод намуналарингизни "Йилнинг энг фаол журналисти — 2005" танлови ҳайъатига шу йилнинг 10 июнигача юборинглар.

Ғолиблар 2006 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни эълон қилинади ва уларга мукофотлар топширилади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилишини сўраймиз.

Мурожаат учун манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 144-37-87; 144-64-62; 144-69-65

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Янги авлод-2006" биринчи халқаро кўргазмаси очилди.



«ЯНГИ АВЛОД - 2006» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

У Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлигида International Exhibition Group ва IEG Uzbekistan халқаро кўргазма компаниялари томонидан ташкил қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг йигирмага яқин фирма ва компанияси ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётир. Ушбу кўргазма уч бўлим — спорт ва истироҳат, таълим, болалар ва ўсмирларга оид либослар ва инвентарларни ўз ичига олган.

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, юртимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасида изчил ва кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий мактаблар, лицейлар, спорт иншоотлари қад ростлаяпти. Уларда минглаб ўғил-қизлар таълим-тарбия олиб, касб-ҳунар ўрганмоқда, спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Кўргазмадан жой олган экспонатлар орасида, айниқса, спорт инвентарлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Қувонарлиси шундаки, тадбирда юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кенг ўрин эгаллаган. Хусусан, Андижон вилоятидаги «Хўжаобод» фабрикаси ўзининг кураш гиламлари, татами, футбол, гандбол, теннис, баскетбол анжомлари билан иштирок этаётган бўлса, Тошкентдаги «Алиев» компанияси боксга оид маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

Кўргазмада, шунингдек, Россиянинг «Мастерфайбр», «Бамард», «Ёлочка» компаниялари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. «Inter Agro Servis» қўшма корхонаси Беларусдан келтирилган велосипед ва мотоцикларни харидорлар эътиборига ҳавола қилган. Бангладеш компаниялари эса, асосан, спорт кийим-кечакларини тақдим этган.

Мамлакатимизда ёш авлодга узлуксиз таълим-тарбия бериш жараёнининг барча бўғинларини изчил қамраб олган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурларида ўқувчи ва талабаларни спортга ялпи жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан "Янги авлод-2006" халқаро кўргазмаси юртимизда бу борада изчиллик билан амалга оширилаётган хайрли ишлар қўламининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА мухбири. Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.

Фуқаролар йиғинларида сайлов

ОҚСОҚОЛ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзимизга, ўзбеклигимизга хос шундай умуминсоний қадриятларимиз борки, булар бошқа бирон бир халқникига ўхшамайди. Ўзгаларнинг ташвиш - ғамларини ўзимизники деб қабул қилиш ёки улар қувончига шерик бўлиш хислатлари бизнинг халқимизгагина хосдир. Чунончи, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи — маҳалла ва у орқали одамларни бирлаштириш механизми ўзбек давлатчилигига хос хусусиятдир.

Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода, маҳаллани ўзини-ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин".

Биз ушбу мақолада бугунги маҳаллаларимизнинг жамиятдаги ўрни, маҳалларни бошқаришда оқсоқоллар — фуқаролар йиғинлари раисларининг умуминсоний фазилатлари, эътиборли хусусиятларини ўз нуқтаи назаримиз орқали ёритишга ҳаракат қилмоқчимиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори ҳамда халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорларига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар қизғин давом этмоқда.

Табиийки, ушбу сайловга сайлаш ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро бефарқ бўлмаслиги лозим. Ахир, фуқароларимиз сайловга қанчалик диққат эътиборли бўлса, у ўз оиласи, ёру дўстлари, маҳалладаги қўни-қўшнилари келажагини шунчалик ўйлаган бўлади. Чунки оқсоқол ўз ўрнига тўғри, муносиб сайланса ўша ҳудуд турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартира олади.

Афсуски, баъзан маҳаллаларда сайлов қоидалари бузилиб, тарафбозлик, гуруҳбозлик авжига чиқиши, айримларида эса сайловлар номигагина ўтказилиб, оқсоқол ҳам хўжакўрсинга сайланиш ҳоллари учрайди.

Шу ўринда савол туғилади, бугунги кун оқсоқоли илгариги оқсоқоллардан нимаси билан фарқ қилади? Ўз номзодини кўрсатаётган етакчи қандай қобилият ва ибратли фазилатларга эга бўлмоғи лозим?..

Ишончимиз комилки, бу йилги сайловлар демократия, ошкоралик асосида ўтказилади. Қонунга мувофиқ, фуқаролар маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий истиқомат қилувчи, миллати, жинси, ирқи, дини, тили, маълумоти ва ижтимоий келиб чиқиш хусусиятларидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқидан фойдаланадилар. Фуқаролар йиғини раислигига (оқсоқоллигига) тавсия этилаётган номзод эса ўзи яшайдиган ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек, ташкилотчилик, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши зарур.

Маълумки, баъзи маҳаллалар ҳудуди ва одамлари сони жиҳатидан бир мунча каттароқ бўлиб, айрим пайтларда маҳалланинг қайси бурчагида кимлар вақтинча яшаётгани, ижарада тургани ёки ўшаларнинг нима иш билан машғул бўлаётгани оқсоқол назаридан четда қолади. Ҳатто, кўп қаватли уйларнинг баъзи хонадонларида ижарада турувчи одамлардан маҳалла оқсоқолининг хабари бўлмаслиги мумкин. Шу маънода оқсоқол маҳаллага "кирди-чиқди"дан узлуксиз хабардор бўлиб туриши лозим. Шундай бўлсагина маҳалла тинчи, осойишталиги бузилмайди.

Оқсоқол маҳалла фуқароларининг ҳарбий хизматда бўлган фарзандларини ҳам доим қўллаб-қувватлаб туриши лозим. Мисол учун, маҳалла номидан ўша фарзанднинг хизмат жойига турли хат-хабарлар (наврўз, янги йил, хотира ва қадрлаш куни, Ватан ҳимоячилари куни кабилар), табрикномалар юбориб турилса айни муддао бўлур эди.

Ўз-ўзидан савол туғилади, биргина оқсоқол ёки унинг маслаҳатчилари иштирокида маҳалладаги анчайин мураккаб, икир-чикир масалалар ҳал этила олинадими? Йўқ, албатта. Бунинг учун биз, маҳалладошлар маҳалламиз муаммоларини ечишда ўз оқсоқолимиз билан елкама-елка туриб, унинг келажакка ишончи ва серғайратлилигини доим рағбатлантириб турмоғимиз лозим.

Шу ўринда, айрим маҳалла оқсоқолларининг бой тажрибалари тўғрисида тўхталиб ўтишни жоиз топдик.

1994-96 йилларда Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида олижаноб, фарзандларига ҳамма ҳавас қиладиган даражада тарбия бера олган, обрўли бир киши маҳалла оқсоқоли эди. Унинг ўзига хос иш услуби бор эдики, биринчидан, у маҳалладаги ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволини тўла ўргана олган, ҳатто, у ўзига тўқ ёки камбағал оилаларни қалбан ҳис этиб, бир-биридан аҳрата оларди. Иккинчидан, у киши маҳалланинг ички имкониятларини ҳам эзгу мақсад сари буриб юборар эди. Аҳволи ночор, кам таъминланган ёки бошига бирор кулфат тушган оилаларга ёрдам бериш масаласида дарҳол маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи обрўли, ўзига тўқ оила бошлиқларидан 10-15 нафарини маҳалла идорасига, бир пиёла чойга таклиф этиб, ҳақиқий ҳолат ва айрим воқеа-ҳодисалардан уларни воқиф этарди, натижада уларнинг кўмаги билан маҳалладаги кўплаб муаммолар ечиларди.

1997-2002 йилларда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги маҳалла оқсоқолларидан бири йиғинибсиғиниб ҳаж сафарига тайёргарлик кўраётган эди. Тасодифни қарангки, оқсоқолнинг кўшниси уйига ўт кетиб, бир кунда уйи кулга айланди. Буни кўрган оқсоқол ҳаж сафарига йиғилган маблағининг барчасини ўз фарзандлари, оиласи розилигини олиб, маҳалла фуқаролари билан келишган ҳолда, ўша кўшнисига тортиқ қилади. У маҳалла фуқароларини ёрдамга, ҳашарга чақиришни ҳам ёдидан чиқармади. Натижада, вақт ўтиши билан ўша оила ўзини тутиб олиб, ҳозир фаровон турмуш кечираяпти. Мана, орадан бир неча йиллар ўтдики, аммо ўша оқсоқол ҳозиргача ҳаж сафарини адо этмаган бўлса-да, у инсонни маҳаллада "Ҳожи ота" деб чақиришади.

Аввало, бугунги кун оқсоқоли замон талабига жавоб бера оладиган ташкилотчи, тадбиркор, фуқаролар билан тил топиша оладиган, пайдо бўлган муаммоларни ҳал этишда халққа етакчилик қила оладиган, эл юртига қайишадиган бўлиши зарур. У кучли ташкилотчи, ўткир зеҳнли бошқарувчи сифатида ўз маҳалласини яхши билиши баробарида кўча, ғузар, йўлаклар-у, ҳатто ҳар бир маҳалладошининг феъл-атвори унинг доимий диққат марказида бўлмоғи лозим.

Айни пайтда бугунги кун оқсоқоли замонавий, эскилик сарқитларидан қутула оладиган, жамиятдаги мавжуд қонунлар, ҳукумат қарорлари, шунингдек, вилоят, шаҳар ёки маҳаллий ҳокимият органлари қарорларини тез ўзлаштириб, ҳаётга татбиқ эта оладиган, фуқароларга халқаро ва давлат миқёсидаги сиёсий жараёнларни тўғри ва адолатли етказа оладиган шижоатли раҳбар бўлиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай ҳуқуқий ва демократик жамият равнақи унинг қонунларига бўйсинишни талаб этади. Зеро, буюк аждодларимиз айтганидек: "Қаерда қонун устун бўлса, ўша ерда эркинлик ҳам бўлади". Ишончимиз комилки, сайланаётган маҳалла оқсоқоллари Конституциямизни, барча қонунларни ўзларига дастуруламал қилган ҳолатда, "маҳаллам, юртим" деб астойдил меҳнат қиладилар. Бу эса ёш, келажаги буюк мамлакатимиз пойдеворига қўйилаётган яна бир олтин ғишт бўлиб хизмат қилади.

Вафо ЛАТИПОВ,
Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш илмий-тадқиқот институти директори.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

бетарафлик, холислик ва ҳаётийликни талаб қилади

Маълумки, мустаҳкам ва пишиқ қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва унга қўйилган талабларни бекаму кўст адо этиш чуқур билим, ўта зукколикни, халқаро тажрибалардан бохабарликни тақозо этади.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида унинг тўлақонли мазмунини очиб бериш муҳимдир. Шу ўринда ҳуқуқий атамаларнинг аҳамияти беқиёс саналади. Энг муҳими, юридик техника қоидаларига риоя қилинганда қонун ҳужжатининг лойиҳаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалар ва тамойилларига мувофиқлиги таъминланади.

Конституциямизда қонун лойиҳалари тайёрланиши таомили хусусида аниқ нормалар мавжуд бўлмасада, лекин унинг 16-моддасида «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас»лиги хусусида ўта муҳим қоида мустаҳкамланган.

Маълумки, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси талабларига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари дастлабки ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Бунда ҳуқуқий экспертизани ташкил қилиш ва амалга ошириш Адлия вазирлиги ва унинг ташкилий тизимларига юклатилган.

Юртимизда қонун ижодкорлиги соҳасида тўпланган бой тажрибадан шу нарса маълумки, қонунчилик соҳасида қўлланилаётган атамаларни ҳуқуқий жиҳатдан аниқлаш, уларнинг қисқача шарҳини беришнинг кенг жорий этилганлиги қонун нормаси моҳиятини тушунишга катта ёрдам бермоқда.

Юқорида айтилганидек, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш — ўта мураккаб ижодий жараёндир. Бу эса ана шу ишда қатнашаётган мутахассислардан катта билим, тажриба ва ижодий салоҳиятни талаб қилади. Демак, қонун ижодкори хоҳ олим бўладими, хоҳ амалиётчи у ўз ишининг билимдони, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлмоғи даркор.

Энг асосийси, қонун лойиҳаларида умумдавлат манфаатларидан, идоравий манфаатлар устун бўлишидан сақланиш зарур. Қонун ижодкорлиги амалиётида, маълум бир соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ушбу соҳа мутахассислари, олимлари ҳамда тажрибали ходимлари жалб этилади. Бундай субъектларнинг иштироки, қонунларнинг амалиёт билан боғлиқлигини таъминлайди. Баъзан шундай ҳолларда қонун лойиҳасида идоравий манфаатлар устунлиги юз бериш хавфи бор.

Президентимизнинг «Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби» асарида таъкидланганидек, «...айрим вазирликлар, идораларнинг манфаатлари кўпинча инсон ва умуман олганда жамият манфаатларига зид ҳолда биринчи ўринга чиқиб қолади». Ана шу боисдан ҳам қонун лойиҳаларининг тайёрланишида бетарафлик, холислик ва ҳаётийликни таъминлаш муҳим саналади.

Шаҳобиддин ШАРОФУТДИНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти магистранти.

Ўзбек Миллий академик драма театрида маданият, санъат соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ҳамюртларимиз иштирокида "Ҳамиша эъзоздасиз" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ!

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирга театр, кино, мусиқа, рақс ва цирк санъати йўналишида меҳнат қилган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, кекса мутахассислар таклиф этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кекса авлод вакилларига давлат ва жамият томонидан ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишга, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 4 майда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони бунинг яна бир ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб- қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган мазкур учрашувда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар фаолият кўрсатган фахрий журналистлар, ноширлар иштирок этди.

Учрашувларда сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийлари кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда фахрийларга совғалар топширилди. Ижрочи ёшлар ва санъаткорларнинг мусиқий дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.



Меҳнатидан бахт топаётганлар

Халқимизда "От ўрнини той босар", деган мақол бор. Бунга Балиқчига борсангиз яна бир бор амин бўласиз. Бу ерда механизатор Эргашали Бобоев исмли отахон яшайди. Узоқ йиллар туман хўжаликларида меҳнат қилган бу инсон бир неча йил муқаддам танловда иштирок этиб, фермер бўлди.

— Инсон меҳнатидан бахт топиши мумкинлигини фермер бўлгач англадим, — дейди отахон.— 16 гектар еримиз бор. Пахта, ғалла етиштирамиз. Юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётганимиздан ўзимиз ҳам, қаторимиздагилар ҳам хурсанд. Даромадга қараб буромадимиз ҳам ёмон эмас.

Дарҳақиқат, Эргашали Бобоев "Балиқчи орзуси" фермер хўжалигини ташкил этгач, оила аъзолари билан астойдил меҳнат қилди. Меҳнатининг самараси ўлароқ, енгил машина олишди, ҳаж зиёратига бориб келди, қолаверса тўй-тўйчиқ дегандай...

Бугун далада баравж ўсаётган ғаллаю-ғўзанинг ривожидан отахон ҳам, унинг қаторидагилар ҳам хурсанд. Гарчанд, фермер хўжалигини отанинг ўғиллари бошқараётган бўлсада, Эргашали ота (суратда) ҳар куни далага бир бор бормаса кўнгли жойига тушмайди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ФЕРМЕРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Нукус туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган "Ўрнак" ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилди.

Бу ерда фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уларга ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, техника олиш, етиштираётган маҳсулотларини шартнома асосида сотиш, хорижга экспорт қилиш, меваларни қайта ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашувчи агрофирма тузилди. Эндиликда фермерлар ҳар қандай муаммони шу ернинг ўзида ҳал этиш имконига эга.

Шунингдек, Нукус тумани ўрмон хўжалиги устахонасининг янги шохобчаси очилиб, мева териш ва сақлаш учун ёғоч қутилар ва бошқа зарур буюмлар ишлаб чиқарила бошлади. Нукус шаҳридаги "Тулпор" акционерлик жамиятининг махсус бўлими эса фермерларга транспорт хизмати кўрсатишни ўз зиммасига олди.

Айни кунларда фермерлар 260 гектар майдондаги мевали боғ ва саккиз гектар узумзор парвариши билан машғул.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Ҳуқуқий давлат сари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, адолатли меҳнат шароитларида ишлаши ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши каби ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу меъёр замирида инсон шаъни, обрў-эътибори, қадр-қиммати улуғланган.

Ҳар бир фуқаронинг оила, жамоа, жамиятдаги ўрни унинг кундалик турмуши, меҳнати билан белгиланади. Шу меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши турли низоларни келтириб чиқариши мумкин.

«ҲОКИМ НОМИГА АРИЗА ЁЗ»

қонундан бехабар ҳоким ўринбосари директорга шундай деди

Эътибор қилинг, 2005 йил ва жорий йилнинг ўтган 3 ойида фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судларига ишга тиклаш бўйича 40 дан зиёд даъво ариза киритилган эди. Уларнинг катта қисми қаноатлантирилди. Кўриниб турибдики, кўпгина корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарлари ишчи-хизматчиларни ишга олиш, бўшатиш қонун-қоидаларини яхши билмайдилар.

Суд жараёнлари ва ўрганишлар натижасида жойларда меҳнат шартномалари айнан катта-кичик раҳбарлар томонидан асоссиз тўхтатилаётганини кўрсатди. Жамоалардаги ҳуқуқшунослар ва ходимлар бўлимлари мутахассисларининг масъулиятсизлиги, етарли билим ва тажрибага эга эмасликлари ҳам бу ўринда панд бермоқда.

Даштобод темир йўл участкасига 1983 йилда ишга тушган Алиқул Алимбеков уч йилдан сўнг бош механикликка тайинланган. Яъни, яхши ишлаганлиги учун кўтарилган. Бу жойда ишончни оқлаб, 20 йил ишлади. Ўтган йилнинг 31 мартида эса маъмуриятнинг у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 7-сонли буйруғи чиқди. Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 1-бандига кўра, штат қисқарганлиги муносабати билан ишдан бўшатилган.

А. Алимбеков учун бу кутилмаган «совға» эди. 7 нафар фарзанди бўлса. Аҳалли бошқа бирорта ишни таклиф ҳам этишмади.

Бош механикнинг илтимослари, вазиятни тушунтиришга уринишлари МЧЖ директори А. Алланазаровга таъсир этмади. Ўз ҳуқуқини талаб қилиб, ариза ёзишга мажбур бўлди.

Вилоят адлия бошқармаси судга унинг манфаатини кўзлаб, жавобгар — Даштобод темир йўл участкасига нисбатан даъво аризаси киритди. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилди. Жабрланувчи ишга тикланиб, унга бекор юрган вақти учун 628884 сўм ва 50 минг сўм миқдордаги маънавий зарар ундирилди.

Савол туғилади: корхона раҳбарлари Меҳнат кодекси талабларини қўпол бузишларига нима мажбур қилди? Қолаверса, бош механик, қонунга кўра, олдиндан огоҳлантирилмаган. Бошқа бирор иш таклиф этиш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

«Ўзбекистон почтаси»нинг Зарбдор туманидаги филиали директори бўлиб ишлаб келган Суйма Нурматова ўзининг ноҳақ ишдан бўшатилишида, Бахмал қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи бош механиги А. Бойқулов, Фориш туманидаги «Ғараша» ширкат хўжалиги бош механиги Қ. Муҳаммадиев кабиларнинг ўзларини ишга тиклаш, моддий ва маънавий зарарларини ундириш ҳақидаги аризаларнинг ижобий ҳал этилганлигида ҳам кўриш мумкин.

Энди баъзи раҳбарларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашиб иш тутишлари, ҳужжат юритишларидаги пала-партишликлар қандай оқибатларга олиб келаётганлигига тўхтаб ўтайлик.

Алоқачи Б. Тангировлар оиласи 2001 йилдан буён Жиззах шаҳридаги вилоят мужассамлашган экспедицияга қарашли «Зилол» маҳалласида жойлашган 1-уйнинг 12-хонадонида яшашарди. Экспедиция раҳбари Б. Деҳқонбоевнинг топшириғи билан Б. Тангиров жамоага қабул қилингач (норасмий), улар бу ерга кўчиб келишган. Б. Тангиров экспедицияга таллуқли алоқа воситаларишида бевосита иш берувчи — «Жиззах почтаси» раҳбарларини жавобгар, деб топиб судга ариза берганди. Маълум бўлишича, туман ҳокими ўринбосари ундан ҳоким номига (?) ариза ёздириб олган. «Жиззах почтаси» раҳбари эса ўша аризага асосан, меҳнат шартномасини бекор қилиб, Меҳнат кодексининг 99-моддаси талабларини бузган. Бу ҳолатда суднинг қандай қарор қабул қилишига шубҳаланмаса ҳам бўлади. С. Нурматова ҳам ишга тикланди, ҳам жавобгардан мажбурий бекор юрган пайтидаги иш ҳақи ва 200 минг сўмлик маънавий зарар ундирилди.

Шунга ўхшаш ҳолатни вилоят касаба уюшмалари қўмитасининг Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходими Олим Барноевнинг манфаатини кўзлаб берган даъво аризасининг қаноатлантирилмаганлигида ҳам кўриш мумкин. Ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ҳеч иккиланмаган Б. Тангиров ва унинг ишлашини таъминлаган, кабель тортиб, телефонлар ўрнатган, Турмуш ўртоғи ҳам республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги «Дилноза» болалар боғчасида фаррош бўлиб ишларди.

Уйни Тангировларнинг хусусийлаштириб олишларига розилик билдириб, Ўзбекистон Давлат мелиорация ва сув хўжалиги лойиҳа-қидирув илмий-текшириш институти директори ўринбосари Р. Ғофуровнинг экспедиция бошлиғи Баҳром Деҳқонбоев номига ёзилган расмий хати ҳамда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Х. Ашуралиевнинг Давлат мулки қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасига ёзилган илтимосномаси ҳам бор. Аммо хонадонни хусусийлаштиришга келганда ваъдаю ҳужжатлар четда қолиб, Тангировлар уйдан кўчирилди. Бу ҳол қайта-қайта судлов жараёнларига сабаб бўлди. Бошлиқнинг ажаб қиликлари, 12 хонадонли, 2 қават уйнинг хусусийлаштириш якунларидан норози бўлган Тангировлар оиласи ҳам ҳали-ҳануз жамоа раҳбари Б. Деҳқонбоевнинг инсофга келишидан умидвор бўлиб юришибди...

Меҳнат кодексининг 274-моддасига кўра, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларининг ғайриқонуний бекор қилиниши ёки шу аснода ходимнинг бошқа ишга ўтказилишида айбдор бўлган мансабдор шахсдан уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда моддий жавобгарлик суммаси ундирилиши мумкин. Шундай экан, ишга тиклаш ҳақидаги низолар кўрилаётганда иш берувчи суд жараёнида қатнашиши шарт. Негаки, раҳбар судда ўзининг ҳуқуқлари, моддий жавобгарлиги билан боғлиқ масала ҳам кўрилишини унутмаслиги лозим.

Афсуски, ҳар доим ҳам бунга амал қилинмаяпти. Устига устак, мансабдор шахслар, иш берувчилар ўртасида судларнинг хусусий ажримларини ижро қилишни чўзиб юбориш, баъзан тўсқинлик қилишга уриниш ҳоллари учраяптики, бу ўша раҳбарларнинг ҳуқуқий саводсизлигидан бошқа нарса эмас.

Мирзамаҳмуд ИСКАНДАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси,
Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Вақтинча молиявий ёрдам кўрсатилади

Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда иштирок этаётган тўртлик — АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ Фаластин мухториятига четдан молиявий ёрдам кўрсатишни вақтинчалик тиклашни бир овоздан маъқулладилар.

БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг маълум қилишича, молиявий ёрдам кўрсатиш уч ой давомида амалга оширилади. Лекин бу муддат ичида қанча миқдорда маблағ ажратилиши ҳозирча номаълум.

ХАМАС радикал гуруҳи мухторият тепасига келгандан сўнг Ғарбнинг бир қатор донор мамлакатлари жорий йил апрель ойидан Фаластинга иқтисодий ёрдам кўрсатишни тўхтатишганди. Жаҳон банки молиявий қамалнинг давом эттирилиши мамлакатда вазият издан чиқишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирмоқда.

Аъзолик муддати кечиктирилди

Болгария ва Руминиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кириш муддати кечиктирилди, дея хабар беради «Би-Би-Си». Манбада айтилишича, мазкур икки давлат кейинги йил бошида ЕИга тенг ҳуқуқли аъзоликни қўлга киритишни мўлжаллаётган эди. Иттифоқнинг расмий вакили бу икки мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар суст бораётгани, коррупцияга қарши кураш ҳам кўнгилдагидек эмаслиги сабабли мазкур муддат кечиктирилганини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, Еврокомиссия аъзоликка қабул қилиш юзасидан бир қарорга келишдан олдин Болгария ва Руминиядаги аҳволни яна бир бор ҳар тарафлама ўрганиб чиқиши лозим.

Болгария Бош вазири Сергей Станишев ЕИ ўз мамлакатини 2007 йилда иттифоққа аъзо қилиб олишни режалаштирмаётганини тан олди.

Ўрмонга ўт кетди

Сибирь ва Приморье ўлкасидаги ўрмонларда кучли ёнғин бошланди. Сибирь минтақавий фавқулодда вазиятлар маркази матбуот хизматининг маълум қилишича, ёнғин Новосибирск вилоятидан бошланган. Айни пайтда 22 та жойда қайд этилган ёнғинлар 666,2 гектар ўрмоннинг кулини кўкка совурмоқда.

Тилсиз ёвни бартараф этишга жалб қилинганларнинг сўзларига қараганда, Чита вилоятидаги олов ўчоқларини бартараф этиш бирмунча қийин кечаяпти. Ёнғинларнинг келиб чиқишига шу атрофда яшовчи одамларнинг олов билан нотўғри муносабатда бўлиши сабаб қилиб кўрсатилаяпти.

Она ва бола учун ноқулай ўлка

Баъзи ривожланаётган мамлакатларда йилига икки миллион нафаргача чақалоқлар туғилгандан сўнг бир кун ўтмай нобуд бўлмоқда. Бу ҳақда Save the Children («Болаларни қутқаринг») инсонпарварлик ташкилоти маълум қилди.

Save the Children экспертлари дунёнинг 125 та мамлакатида турли тадқиқотлар ўтказишди. Уларнинг хулосаларига қараганда, Африка қитъаси она ва бола учун энг ноқулай ўлка ҳисобланади. Хусусан, Нигерияда кўплаб оналар кўзи ёриётган пайтда оламдан ўтмоқда. Ташкилот ушбу чиқиши билан халқаро ҳамжамиятни Африка минтақаси давлатларидаги аҳволни бирмунча яхшилашга кўмак беришга чақирди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

DH «DONG HAI INTERTRADE»

«Dong Hai Intertrade» компанияси

янги хусусий корхона бўлиб, сифатли маҳсулот таклиф қила оладиган қудратли сармоя ва катта обрўга эгадир.

Компания асосан барча турдаги ўз маҳсулоти бўлмиш матолар, болалар либослари, турли хил газламалар, кўрпаёстиқ буюмларининг улгуржи савдоси билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда матолар, болалар кийими ва бошқа тайёр маҳсулотларнинг 10 мингдан ортиқ намуналари мавжуд.

Шунингдек, компания зарур технологик жиҳозлар: тўқимачилик, тикув, каштачилик ва бошқа жиҳозларни танлашда сизларга кўмак бера олади. Хилма-хил матолар ва болалар либослари билан танишиш учун ҳамда узоқ муддатли ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишга барчангизни кўргазма залимизга таклиф этамиз!

Манзил: 100096, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор мавзеси, 7-даҳа, Мукимий кўчаси, 25-«А» уй. Мўлжал — Оқтепа майдони.
Телефонлар: +998-71-173-04-83, 173-05-74, 173-10-78. Факс: +998-71-173-04-22.
E-mail: donghai@buzton.com

www.ite-uzbekistan.uz



ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ

1-Ўзбек халқаро КЎРГАЗМАСИ

POWER UZBEKISTAN 2006

16-18 МАЙ 2006

Тошкент, Ўзбекистон Интерконтиненталь меҳмонхонаси

Ташкилотчилар:

ITE UZBEKISTAN ITE GROUP PLC

ITE Uzbekistan
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 151 21 64
E-mail: power@ite-uzbekistan.uz, web: www.ite-uzbekistan.uz

Ўзбекистон энергетика соҳасидаги муҳим воқеа!

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? Марҳамат!

«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ «AGRIKIM» ЎЗБЕКИСТОН—ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагиччангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ховлижойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки накд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

Тугатилаётган «ТЕХТАЪМИНОТ» ОАЖ

қуйидаги товар-моддий бойликларни сотади:

- халқ истеъмоли моллари;
- электротехника буюмлари;
- сантехника буюмлари;
- тоғ-шахта ускуналари ва бутловчи қисмлар;
- қишлоқ хўжалиги техникаси бутловчи қисмлари.

Мулокот учун телефонлар: 8-266-2-31-21, 382-89-14, 144-38-28, 23-22-70.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK BANK XALQ BANKI

Банкларни иқтисодиётнинг қон томири, дейишади. Хусусан, Давлат-тижорат Халқ банкининг Хоразм вилояти бошқармаси нафақат аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда, балки кредит ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда корхона ва ташкилотларнинг ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бошқарманинг 12 та туман (шаҳар) филиали, 10 та мини банки ва 104 та шохобча ҳамда 16 та махсус кассаси улар бугунги кунда юридик шахс сифатида фаолият кўрсатаётган 3000 га яқин хўжалик субъекти, 500 дан ортиқ хусусий тадбиркорлар ҳамда 500 000 дан зиёд жисмоний шахсларнинг ишончли шериги айланган.

ХАЛҚ БАНКИ – МИЖОЗЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИГИ

Маълумки, Президентимизнинг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида банклар фаолиятининг муҳим йўналишларини белгилаб берилган эди. Халқ банкининг бошқармаси ҳам шу асосда иш юритиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилиш, уларни фаолиятини кредитлаш механизмини такомиллаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этишнинг самарали имкониятларидан фойдаланмоқда. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, улар томонидан тақдим этилган лойиҳаларни кредитлаш, ўз навбатида, ички истеъмол бозорини маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш имконини бераяпти.

Мисол учун, қисқа муддат ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ажратилган кредитлар миқдори 1,2 млрд. сўмдан ортиб ана шу кредитлар эвазига 367 та янги иш ўрни яратилди. 2006 йил 1 май ҳолатига кўра эса, банк активлари 3 миллиард сўмга кўпайиб, 7 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этмоқда.

Банк филиаллари вилоятдаги пахта ва ғалла етиштирувчи 1000 га яқин фермер хўжаликларига ҳам турли банк хизматларини кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўзида пахта етиштирувчи 600 та фермер хўжалигига 1,0 млрд. сўмдан ортиқ ва ғалла етиштирувчи 250 та фермер хўжалигига 130 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берилгани бунинг далилидир.

Аҳоли учун эса қулай ва самарали бўлган "Таъмирлаш", "Талаба", "Тўёна", "Комфорт" ва "Комфорт-люкс" ҳамда «Автокредит» истеъмол кредитлари ажратилиши кенг йўлга қўйилган. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб жорий этилган «Саломатлик» микрокредити эса мижозларга бу кредитдан соғломлаштириш муассасаларида ўз соғлиқларини тиклаб олишлари учун имконият яратди. Умуман, йил бошидан буён жисмоний шахсларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 350 миллион сўмга яқин миқдорни ташкил этгани, албатта, қувонарлидир.

Биласиз, аҳоли ва юридик шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларини депозитларга жалб қилиш банкнинг ресурс базасини кенгайтиришга замин яратади. Жумладан, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш учун эса жозибали, уларга қулай бўлган фоизлар тўланиши лозим. Халқ банки худди шу йўлни тутиб, аҳолига 15 дан ортиқ омонат турлари таклиф қилган. Бунинг натижасида аҳоли омонатларининг қолдиғи икки баробар қўпайиб, ҳозирда 2,7 миллиард сўмга етказилди.

Айниқса, мижозлар манфаатларини инобатга олиб, жорий этилган «Фарзанд келажаги», «Мустақил ҳаёт», «Ҳамкор» ва «Даромад манбаи» каби омонат турларига қизиқиш катта. Банкнинг «Матонат» омонатига эса иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш мақсадида уларнинг пенсия ва нафақа пуллари юқори фоиз тўлаш шарти билан қабул қилинади. Яна бир эътиборни тортадиган омонат тури — бу юқори фоизли «Маҳалла фидойилари» муддатли омонати. Ушбу омонатга ҳисобланадиган юқори фоизли даромад маҳаллалар орқали кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловдан бўлган қарзини тўлашга йўналтирилади. Ана шу омонат турлари учун эса жорий йилнинг ўзида аҳолининг 450.0 млн. сўмдан ортиқ бўш пул маблағлари банк депозитларига қўшимча равишда жалб қилинди.

Жойларда ташкил этилган банк инфратузилмалари орқали аҳолидан фойдаланилган газ, электр энергияси, ичимлик суви, телефон ва бошқа коммунал тўловлари ҳам қабул қилинаяпти. Пировардида накд пул тушуми ўтган йил давомида 3,5 млрд. сўмни, жорий йилнинг ўтган даврида эса 2,0 млрд. сўмга яқин миқдорни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан эса, Халқ банкининг Хоразм вилояти филиаллари 30 га яқин савдо шохобчаси билан ҳамкорликда тегишли ишларни амалга оширмоқда. Йил якунига қадар корхоналар ташкилотлар ходимларининг иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олишини йўлга қўйиш ҳамда савдо шохобчаларига қўшимча терминалларни ўрнатиш режалаштирилган. Ҳозирда Халқ банкининг пластик карточкаларидан салкам 3000 фуқаро фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш мақсадида банк филиалларида 221 мингдан ортиқ фуқароларга жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчиси сифатида шахсий ҳисобварақлар очилган эди. Ўтган давр мобайнида вилоятдаги корхона ва ташкилотлар томонидан 1,0 млрд. сўмдан ортиқ пенсия бадаллари тизим иштирокчиларининг ҳисобрақамларига кирим қилинди.

Айни чоғда аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида банкнинг барча туман филиалларида «WESTERN UNION», Урганч, Шовот, Хива ва Ҳазорасп филиалларида эса «TRAVELEX» халқаро пул жўнатиш тизими ишлаб турибди.

Халқ банки жамоаси аҳолини ижтимоий муҳофазалашга қаратилган давлат дастурларининг амалга оширишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Чунончи, вилоят бўйича кам таъминланган оилаларга, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган, икки ёшгача боласи бўлган оналарга ҳамда 18 ёшгача болали оналарга нафақа пуллари ўз вақтида бериб борилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 5.0 млрд. сўмдан ортиқ ижтимоий тўловларнинг тўлиқ тарқатилиши таъминлангани шундан далолат беради.

Қисқа қилиб айтганда, вилоят Халқ банки бугун хусусий, давлат ҳамда корпоратив субъектларнинг ишончини оқлаб, уларга сифатли банк хизматлари кўрсатмоқда. Жамоанинг мақсади эса бундан буён ҳам ўз фаолият доирасини янада кенгайтириб, мижозларнинг ишончли шериги бўлиб қолишдир.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кинофестиваль

Маҳорат майдони

Минтақамиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар кино санъати олдига ҳам янги вазифалар қўймоқда. Бу эса, ўз навбатида, билимли, дунёқараши бой ёшларга эътибор қаратишни тақозо этмоқда. 2-7 май кунлари бўлиб ўтган Марказий Осиё ёшларининг "Ижодий парвоз" Иккинчи халқаро кинофестивали ана шу эзгу мақсад йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Бу фестивалнинг айнан юртимизда ташкил этилгани бежиз эмас. Ёшларнинг ўз истеъдодларини намоён этишлари учун мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар бунга омил бўлмоқда. Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти фикримизга яна бир мисол бўла олади. Президентимиз ташаббуси билан кўркам бинога кўчирилган ва замон талаблари даражасида жиҳозланган мазкур илм даргоҳига фестиваль қатнашчилари ҳам ҳавас билан қараштди. Шунингдек, иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Мусаффо экран" киновидео ассоциациясининг анжуманни юқори савияда ташкил этишганини таъкидлашмоқда.

Шу кунларда пойтахтимиздаги Киночилар уйи, "Гранд синема", "Қозоғистон", "Гагарин" ҳамда Самарқанддаги "Шарқ юлдузи" кинотеатрлари томошабинлар билан гавжум. Уларда Марказий Осиё мамлакатлари билан бир қаторда Россия, Германия, Швеция, Франция ва Швейцариядан келган ёш режиссёрларнинг ҳам фильмлари намойиш этилди.

Фестивалнинг танлов дастури доирасида ҳам, танловдан ташқари намойишларда ҳам 26 тадан киноасар мавжуд. Тақдим этилган фильмлар тўлиқ метражли бўлмаса-да, уларда ёшларга хос янгича қарашлар, интилувчанлик сезилиб турди. Хусусан, ҳамюртимиз Ориф Йўлдошевнинг "Ўйин" фильми болалигидан эркатой бўлиб улғайган, қариндошлари кўмаги билан чойхона хўжайини бўлган йигит ҳақида. Енгилелпи ҳаёт ва бебилиска пулларга ўрганишнинг оқибатлари қаҳрамон тақдири мисолида очиб берилган. Ёш режиссёр Далер Раҳматовнинг "Овора" фильми ҳам долзарблиги билан диққатга сазовор. Унда Тожикистондаги меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммолар, мусофир кишиларнинг кечинмаларию ота-оналарини кўрмай улғаяётган болалар тақдири ёритилган.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, фестиваль иштирокчилари ёш бўлишларига қарамай, бугунги воқеликларга нисбатан теран ва янгича ёндашишга ҳаракат қилганлар. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Аюб Шаҳобиддиновнинг "Кўргулик", Рустам Ўразаевнинг "Танлаш ҳуқуқи", қозоғистонлик Мейрим Карбозовнинг "Сароб", қирғизистонлик Нурлан Асанбековнинг "Алла" фильмлари ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУД ЗАЛИДАН

ЖИЯНИНИНГ ҚОТИЛИ

Кун давомида ичилган ароқ таъсирида Фарҳод гўёки шерга айланди. Аввалига жияни — Икром билан адибади айтишиб, жанжал бошлади. Кейин эса ошхонада ишлатиладиган ўткир тиғли пичоқни олди-ю, унга ташланди. Оқибатда жиянни касалхонага, тоғани милиция бўлимига олиб кетишди.

Афсуски, жиянга касалхонадан қайтиш насиб этмади. Кўкрак қафасининг чап томонига санчилган пичоқ ўз ишини қилиб улгурган эди.

Фарҳод ва Икром туғишган тоға-жиянлар эди. Иккаласи ҳам Самарқанд туманида яшаган, оилалик. Ўзаро борди-келдилари яхшигина, бир-бирларига ҳурмат-эътиборлари ҳам шунга яраша бўлганди. Аммо орага пул аралашдию ўртадаги муносабатдан путур кета бошлади.

Воқеанинг бошланиши шундай бўлганди: Фарҳод Ҳайдаров 1999 йилдан Корея Республикасида ишлай бошлади. Уй-рўзғори, қариндош-уруғлари билан тез-тез телефон орқали боғланиб турди. Ана шундай кунлардан бирида ўз опаси Меҳри Маърупова ўғли Икром иқтисодий жиҳатдан анча қийналиб қолганини айтиб, ёрдам сўради. Фарҳод опаси ва жияни учун йўқ демади. Уларга 1900 АҚШ доллари жўнатиб юборди. Орадан кўп ўтмай ўзи ҳам қайтиб келди.

Шундан сўнг тоға ва жиян, ука ва опа ўртасидаги суҳбат мавзулари кўп ҳолларда қарз ва қарздорликка бориб тақаладиган бўлиб қолди. Аммо қарз вақтида узилмади. Ўртадаги гап-сўзларга ҳам чек қўйилмади.

Кунлардан бирида Меҳри Маърупова она меҳри тортиб укаси Фарҳодникига келини ва неварасини олиб меҳмонга келди. Бир муддатдан сўнг Икром Илҳом исмли дўсти билан етиб келди. Бу пайтда уй эгаси Фарҳод Худойберди деган божаси билан улфатчилик қилиб ўтирарди. Янги меҳмонлар ҳам уларга қўшилишди. Зиёфатнинг охирида тоға-жиян танҳо қолишди. Ва, яна гап мавзуи ўша АҚШ долларига бурилди.

...Энди эса ўз жиянининг қотилига айланган тоға қилмишидан минг бор пушаймон. Суд мажлисида боши хам. Ҳеч кимнинг кўзига қарай олмайди.

Судда жуда кўп гувоҳлар сўроқ қилинди. Уларнинг барчаси ўша машъум кунда кўрган-билганларини гапириб беришди. Судланувчининг жиноий ҳаракатлари далилий ашёлар билан исботланди.

Фарҳод Ҳайдаров узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Тўғри, у ўз айбига яраша жазоланди. Лекин унинг бу қилмиши қариндошлар ўртасига совуқчилик туширмадими, ота-онасининг, оиласию фарзандларининг юзларини ерга қаратиб қўймадими?

Аҳмаджон ҲУСЕНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг раиси.

ISO 9001
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

«Management Consulting» компанияси ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22000) халқаро стандартлар талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ихтисослашган.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Тел. /факс: (+99871) 132-12-55, 132-20-83, 154-66-98, 136-14-09.
E-mail: info.mc@mail.ru
Web-site: www.mc.uz

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК;
- «Муборакнефтгаз» УШК;
- «Vinlad» ИИК;
- «Rubicon Wireless Communication» ҚК;
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ;
- «ЎзДонгВон КО» ҚК;
- «Жанубгазқурилиш» ОТҲЖ;
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОТҲЖ;
- «AGRIHIM» ҚК.

ЭЪЛОН!
Вазирликлар, идоралар, олий ўқув юртлари раҳбарлари ҳамда талаба-магистрантлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

талаба-магистрантлар ўртасида 2006-2007 ўқув йилига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари учун

ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сонли қарори билан тасдиқланган "Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари тўғрисидаги низом ва уларни тайинлаш тартиби"га мувофиқ қуйидаги таълим йўналишлари бўйича ўтказилади:

- қишлоқ хўжалиги ва ирригация;
- техника ва информатика;
- тиббиёт, доришунослик ва жисмоний тарбия;
- ижтимоий-гуманитар;
- физика-математика ва кимё-биология;
- иқтисодиёт;
- педагогика-психология;
- маданият ва санъат;
- чет тиллар;
- ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар;
- журналистика.

Вазирлик ва идоралардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияларига даъвогар талаба-магистрантларнинг ҳужжатларини марказ талабларига риоя қилган ҳолда 1 нусхада тайёрлатиб, 2006 йил 1 июндан 30 июнгача Фан ва технологиялар марказига тақдим этиш сўралади.

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур к., 62-уй. Телефонлар: 137-61-59, 137-61-73.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэксковаторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Барча автотехникалар учун кафолат берилади.
Лизингга ҳам!

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.

Янги нашрлар

«Қизил китоб» — заминнинг заррин кўзгуси

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси сўнгги даврда жамоатчиликнинг, айниқса, ёшларнинг экологик ахборотга чиқишига йўл очиш, аҳолининг бу борадаги саводхонлиги, атроф-муҳит муҳофазасига оид билимлар тарғиботи ва мамлакатимизнинг экотуризм имкониятларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу мақсадда қўмита ўзининг ва алоқадор вазирликлар ҳамда идоларнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, бир қанча ноширлик маҳсулотларини тайёрлади.

Мазкур масаланинг умумхалқ аҳамиятини ҳисобга олиб, «Халқ сўзи» саҳифаларида янги нашрлар ҳақида мунтазам ахборот бериб борамиз.

Икки жилддан иборат «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби» мамлакатимиз Фанлар академияси билан ҳамкорликда ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланди. Биринчи китобда наботот ва замбуруғлар оламининг, II жилдда ҳайвонот оламининг ноёб ҳамда йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлари тўғрисида маълумотлар жамланган. Унда ҳар қайси турнинг мақоми, қисқача тавсифи, тарқалиши, яшаш тарзи, сони, кўпайиши, муҳофаза ва кўпайтириш чоралари кўрсатилган.

Бу китоблар жонажон Ватанимиз қанчалик бекиёс бойликларга эгалиги ва уларни асрашимиз ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини ёдга солади.

HYUNDAI
DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY
DONGNAMUZ MOTORS



Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

Акциядорлик тижорат «Пахта Банк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси Қозонкетген филиали ТУГАТИЛМОҚДА.
Даъво ва эътирозлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой давомида қабул қилинади.
Маълумот учун манзил: Кегейли тумани, Қозонкетген қўрғони, Бердақ гузари.
Тел.: Нукус шаҳри, 8-361-22-2-16-77;
Қозонкетген қўрғони, 8-361-41-5-32-66.

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
BELARUS

Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали

МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА

ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., Братислава к., 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90,
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР
AVTODOM PLUS

"ВОЛГА", ГАЗ 31105
ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли
Газ 32214, "Тез ёрдам" автомобили
ГАЗ 3307-12, "Сут" автоцистернаси
ГАЗ 2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон
ГАЗ 2752, Инкассация автомобили
ГАЗ-33023 "Фермер", юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобиль билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти жамоаси Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Қиёмиддин Назаровга волидаи муҳтарамаси
ТУРСУНОЙ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг етакчи назоратчи-ҳуқуқшуноси Дилфуза Комиловага синглиси
Гулчеҳра АБДУВОҲИДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
(т) - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5